

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 26 август, № 185 (8247)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намоёниси Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2022-2023 йилларда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарори билан Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатида киритилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита тарқиб (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишни ва қўйиладиган назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини масъул ижрочилар, молиялаштириш манбалари ва микродорларини аниқ белгиланган ҳолда тасдиқласин:

республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ обида ва қадамжоларни, шу жумладан, Абу Райҳон Беруний шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаларини мукамал таъмирлаш ва уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, “Буюк Беруний мероси” халқаро сайёҳлик маршрутларини йўлга қўйиш;

олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2023 йил якунига қадар Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш ва унинг ҳудудида илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш, ушбу масалада икки ой муддатда Вазирлар Маъжмасынинг тегишли қарори белгиланган тартибда қабул қилинишини ташкил қилиш;

аллома илмий-ижодий меросига мансуб кўлэзма ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш, уларни ишончли сақлаш учун зарур шароит яратиш;

Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ва Хоразм Маъруф академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда маданий мерос объектлари, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини реставрация ва консервация қилишга ихтисослашган лаборатория ташкил қилиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш;

Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг қўлланли илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, шу мавзуда илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш;

(Давоми 2-бетда).



Хорижий оммавий ахборот воситалари:

### САМАРҚАНДДАГИ МУҲТАШАМ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ИБТИДОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Шу йил 23 август куни Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилгани маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

### ДУНЁ НИГОҲИ

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги томонидан тарқатилган мақолада Ўзбекистон раҳбари сайёҳлик марказини очар экан, Самарқанд миллий давлатчиликнинг ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга боқий шаҳар эканлигини, ўзбек халқининг шаклланиши ва раванг топишида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлагани айтади.

дея Шавкат Мирзиёев билдирган фикрлардан иқтибос келтирилади.

“Anadolu” мухбири ушбу кўп тармоқли марказ таркибиде “Боқий шаҳар” мажмуаси, Конгресс-холл, 8 та замонавий меҳмонхона, амфитеатр ва кўлаб бошқа объектлар мавжудлигини маълум қилгани баробарида, қадимий услубда барпо этилган мамлакатнинг барча ҳудудида хос 40 та ҳунармандлик устахонаси, уларда қўлигул усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, ипак қоғоз ишлаб чиқариш, заргарлик ва девори қурилиши бошлангани, ўзбек халқининг шаклланиши ва раванг топишида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлагани айтади.



## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича тараққиётни мувофиқлаштириш бюроси мунтақавий директори Гви Йеоп Сон хоним билан учрашди.

### Мулоқот

Мулоқотда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Айни чоғда, ривожланишининг кўлаб йўналишларидаги, жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги конструктив ҳамкорлик юқори баҳоланди.

Учрашув аввалида Сенат Раиси меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, яхши кўшничлик алоқалари, хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш борасида ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, қўнчиликни такомиллаштириш йўналишларида олиб борилаётган ишлар ва натижалар билан яқиндан таништирди.

Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент назорати механизми изчил йўлга қўйилгани, 16 та йўналиш бўйича халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда миллий қўнчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, институционал асослари ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, Гви Йеоп Сон хоним самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Глобал кун тартибидеги Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистоннинг сайёҳ-харакатларини эътироф этди.

Конструктив ва амалий руҳда кечган мулоқотда хавфсизлик, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш, шунингдек, тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳамкорликни янада қучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

### Нуқтаи назар

“Самарқанд — миллий давлатчилигимиз ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, соҳибқирон Амир Темури бобомиз ўзи барпо этган қудратли салтанат учун айнан Самарқанд шаҳрини пойтахт этиб белгилгани, албатта, бежиз эмас.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанднинг азалий шухратини тиклаш йўлида сўнгги йилларда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида янгитдан қад ростлаган замонавий, улугвор меъморий мажмуа бу йўлдаги яна бир улкан қадам бўлди.

## «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАЖМУАСИ —

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА ОЧИЛГАН АФСОНАВИЙ ДАРВОЗАСИ

### «Самарқанд-Сити»нинг янги қиёфаси

“Буюк Ипак йўли” марказининг қурилиши тарихи ҳақида сўз борганда, аввало, уни бунёд этиш ташаббускорлари Президент Шавкат Мирзиёев эканлиги таъкидлаш лозим. Зеро, шу пайтга қадар сайёҳлар миллий давлатчилигимизга асос бўлган Самарқанд шаҳрининг фақат қадимий обидаларини қуриш ва табаррук жойларини зиёрат қилиш учун келган, ҳоло.

Мажмуанинг бош меъмори бўлмиш Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида, биринчи навбатда, таърибли меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа иштирокида пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, лойиҳани миллий меъморчилик ва шаҳарсозлик тажрибаси, иқлим шароити ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди.

Улкан мажмуа мукамаллаштирилган лойиҳа асосида, пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, қисқа вақтда қуриб битказилди. Ана шундай қўл мураккаб ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун бунёдкор халқимиз вакиллари ҳалол ҳамда фидокорона меҳнат қилди.

Куч — бирликда, дейдилар. Бу ерда юқори билим ва тажрибага эга муҳандис-мутахассисларимиз, малакали қурувчиларимиз, навқирон ёшларимиз хорижий ҳамкорлар бўлмиш Тур-



кия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари билан қўшни-қўлга бериб аҳил ҳамда самарадор ишлаганлари ҳар қанча тахсинга лойик.

### Мозийга назар

Ушбу муҳташам ва замонавий мажмуага “Буюк Ипак йўли” деб ном берилгани замирида чуқур маъно бор. Шу ўринда 2022 йил 11 июль куни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Ўзбекистон ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш” номли резолюция бир овоздан қабул қилинганлиги эслайлик.



## ТАДБИРКОР УЧУН ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимиз ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб, унинг ўзига хос анъаналари асраб-авайланган, бундай фазилатга эга кишилар қадрланган. Буни соҳибқирон Амир Темурининг “Азми қатий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд қилишдан афзалдир”, деган фикри ҳам тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, маҳалла, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, иқтисодий ва тараққиётга хизмат қилаётган ишбилармонлар, хусусий қорхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

### Муносабат

#### Юрт ободлиги, эл маъмурчилиги йўлида

Юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобида тўри келаётгани ҳам бунини исботлаб турибди.

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўлаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак, деган фикрлари тадбиркорларимизга гуруҳ ва ифтихор бағишламоқда. Давлатимиз раҳбари де-

ярли ҳар бир чиқишида жамиятни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қўнчилик базаси ҳамда зарур шароитларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим ҳаётий зарурат эканлиги таъкидлайди. Соҳа ривожини устоз қулай ва устувор шароитлар яратиб берилаётгани иқтисодий юртимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолининг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши кафолати бўлиб хизмат қилаётди. Демакки, тадбиркорнинг камолида юрт жамоли, тадбиркорнинг равангига эл маъмурчилиги акс этар экан, бундан барча манфаатдор. Сир эмас, муҳкам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бел боғлаган кишилар турли бюрократик тўсиқларни ошиб ўтишига тўғри келарди: иш бошлаш арафасида бир қатор идораларга учрашиб, бир талай ҳужжатларни тўлдирishi — имзо тўплаши шарт эди. Ҳали у, ҳали бу дарчага бош сўқиб, куч-қувватини ва қимматли вақтинини шу каби ортиқча юмушларга сарф қилар эди.



## Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

Мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларига мос ҳолда, охириги йилларда мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисидаги миллий армиямиз киёфаси тубдан ўзгарди, унинг жанговар шайлиги ва салоҳияти сезиларли даражада ошди. Бу натижаларга қатор омишлар боис эришилаётгани ўз-ўзидан тушунарли.

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ КИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Энг аввало, такомиллаштирилган ўқув-моддий база, полигон ва ҳарбий шаҳарчалар ҳамда қўшинларнинг янги қурол-аслаҳа билан бошқичма-бошқич таъминланиб келаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда ҳарбий хизматчиларга берилган ижтимоий имтиёзлар уларда ватанпарварлик туйғусини ҳамда ахлоқий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлашда қўл келаётди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги бошқарув органлари ва қўшинларида юртимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш мақсадида муайян тадбирлар амалга оширилди. Масалан, қўшинларни бошқаришда тезкорлик ва мувофиқлаштириш масалалари қайта кўриб чиқилиб, бу борадаги фаолият

такомиллаштирилди. Вазирлик марказий апарати оптимизация қилиниб, замон талабларига мос келадиган таркибий бўлинмалар тузилди. Бир-бири ни тақриб ҳисобини самарасиз бўлинмалар ўрнига жанговар бўлинма ва марказлар ташкил этилди.

Муҳими, ушбу сайёҳ-харакатлар натижасида миллий армиямиз жанговар салоҳияти ва қобилияти икки баробар ошишига эришилди.

Тизимдаги муҳим янгиланишлардан яна бири сифатида илгор ахборот-коммуникация технологиялари соҳага кенг татбиқ этилганлигини келтириш мумкин. Шу мақсадда вазирлик марказий апарати, 8 та ҳарбий округ ва бирлашмада қўшинларнинг жанговар ва кундалик фаолият

тини бошқариш марказлари ҳамда ҳарбий қисм ва муассасаларда стационар кўмондонлик пунктлари барпо этилиб, замонавий алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланди. Бошқарув органлари, ҳарбий қисм ва муассасаларга видеоконференцалоқа ўрнатилиб, марказий аппаратдан энг қўйи бўғингача тўғридан-тўғри мулоқот қилиш ва вазифаларни оператив етказиш, муаммоли масалаларни юзма-юз муҳокама қилиб, ҳал этиш имкони яратилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юқори сифатли медиа махсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсида хештег ва челленж каби тарғиботнинг замонавий технологияларини қўллаш;

Абу Райхон Беруний сиймоси тасвирланган, алломанинг илмий-ижодий меросига бағишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини яратиш, тақвимлар ва кўргазмали ахборот воситалари, эсдалик тангалари, қумуш ва олтин юбилей тангаларини муомалага чиқариш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицейлар ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртасида Хоразм вилоятида тегишли фан бўйича Абу Райхон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Абу Райхон Беруний илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик гоъяларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ва давра сўхбатлари ташкил этиш;

илмий доиралар, халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Жамғарма Ташкилий қўмитанинг ишчи органи этиб белгилансин ва мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги:

Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсида чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса

қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Абу Райхон Беруний номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш;

Абу Райхон Беруний юбилейига бағишланган тадбирларни тегишли хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил қилиш;

хорижий мамлакатлардаги Абу Райхон Беруний ёдгорлик мажмуаларида қурилиш ва обдонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борсин ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ташкилий қўмитага тақлиф киритсин.

5. Фанлар академияси, Маданий мерос агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий давлатларда сақланаётган Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид қўлёзмалар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг факсимиле нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш, тадқиқ этиш ва давлат электрон каталоги ҳамда ЮНЕСКОнинг рақамли кутубхонасига жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил декабрга қадар "Беруний ва ёшлар" махсус дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда Абу Райхон Беруний ҳаётига оид маълумотлар, унинг илмий-маърифий асарлари жамланган мобил илова яратсин ва ёшлар ўртасида кенг оммалаштирсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил декабрга қадар "Беруний ва ёшлар" махсус дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда Абу Райхон Беруний ҳаётига оид маълумотлар, унинг илмий-маърифий асарлари жамланган мобил илова яратсин ва ёшлар ўртасида кенг оммалаштирсин.

8. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ташкилий қўмита томонидан белгиланган муддатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Абу Райхон Беруний ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий-маърифий тадбирларни ташкил қилсин;

Тошкент шаҳрида Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган халқаро анжумани ўтказсин;

б) Абу Райхон Берунийнинг барча асарларини тўплаш асосида босқичма-босқич алломанинг тўлиқ асарлари туркумини Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, араб ва форс тилларида нашр этиш чораларини кўрсин.

9. Маданият вазирлиги 2023 йилда Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти асосида янги спектакллар яратсин ҳамда уларнинг республика бўйлаб театрларда намойиш этилишини ташкил этсин.

10. Кинематография агентлиги 2022-2023 йилларда Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган бадий, мультипликацион ва тўлиқ метражли ҳужжатли фильмлар, кўп қисмли телесериал яратиш ҳамда уларни хорижий мамлакатларда ҳам кенг намойиш қилиш чораларини кўрсин.

11. Бадий академия ва "Хунарманд" уюшмаси 2022-2023 йилларда республикамиз бўйлаб Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, ҳалқ амалий санъати намуналари ҳамда фотосуратлар кўргазмаларини ташкил этсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти ҳамда унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, шунингдек, таълим ташкилотлари ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, алломанинг илмий-маърифий мероси асосида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар яратиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджетти ҳисобидан ажратилган маблағлар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳамда қўнчиллик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 август

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» МАЖМУАСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА ОЧИЛГАН АФСОНаВИЙ ДАРВОЗАСИ

Давлатимиз раҳбарининг ўша ташаббуси — тўсатдан ҳаялга келиб қолган шунчаки тасодифий ғоя эмасди. Аксинча, айна ташаббус Ўзбекистон кейинги 5-6 йил давомида изчиллик билан илгари сураётган ва жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватлаётган, янада муҳими, амалиётга теран татиқ этилаётган халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги ташаббусларининг мантиқий давомидир.

БМТ томонидан ушбу ҳужжатнинг қабул қилинган, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон Президентининг минтақаларо узвий боғлиқлик концепциясини амалга ошириш йўлида қўйилган оламшумул қадамдир. Бу, албатта, халқаро ҳамжамият Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган улкан бирдамлик ғоясига узқони кўра билиш ва тўғри прогноз қилиш қобилиятининг ҳосиласи сифатида юксак баҳо берганини аналтади.

Агар "Резолюциянинг ҳаётга татиқ этилиши" шу икки минтақа худудида ашайдиغان одамларга нима беради?" деган оқид, аммо жўяли мантиқдан келиб чиқадиган бўлса, авваламбор, Буюк Ипак йўли каби азалий халқаро савдо йўлларининг тикланиши бозорларимиздаги тўқиллиқни тазминлайди. Бу эса махсулотларнинг тури тубдан ортиши, турфа товарлар сифати янада яхшиланиши ва нарх-наво арзонлашишига олиб келади.

Қолаверса, олис тарихда — Биринчи Шарқ Уйғониши ва Иккинчи темирйўллар Ренессанс даврида бўлганидек, тижорат ва савдо-сотик, саёҳат ва зиёрат, билим олиш ва илм ўрганиш мақсадини кўнгилга туккан ҳар бир инсоннинг ана шу кенг маконда эмин-эркин ҳаракатланишига йўл очилади.

Шу билан бирга, Марказий ва Жанубий Осиёнинг улкан макониде ягона инновацион муҳит яратиш йўлида амалий қадамлар қўйилади. Бунда, айниқса, транспорт-коммуникация инфра-тузилмалари билан боғлиқ кўп томонлама лойиҳаларнинг татиқ этилиши жуда муҳимлигига эътибор қаратиш лозим.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Буюк Ипак йўли" тушунчасининг маъноси ва аҳамиятига яна бир бор алоҳида тўхталди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари худудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган.

Азим Самарқанд эса Буюк Ипак йўлининг чорраҳасидаги асосий манзилларидан бири бўлган. Шунинг учун янги марказдаги биноларда Буюк Ипак йўли даврига оид тарихий манзаралар ҳам акс эттирилди. Хусусан, "Боқий шаҳар" мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган.

Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар шу ерда бўлиб ўтади. Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилиши кутилмоқда.

Учинчи Ренессанс сари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳри тарихимиздаги иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожиде муҳим роль ўйнаганини алоҳида қайд этгани бежиз эмас. Нега деганда, аслида ҳам, улуг аждодларимиз тарихда бир эмас, иккита Ренессансга асос солганлар.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври IX — XII асрларда минтақамизда юз берган "Маърифий Ренессанс" ҳисобланади. Бу даврда буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан.

Аниқ фанлар соҳасида Мухаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фароний, Умар Ҳайём, Фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Мухаммад Фаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшунослиқда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий баракали ижод қилганлар. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшган.

Тарихий манбаларда "ислом маданиятининг олтин асри" деб эътироф этиладиган ушбу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Муин Насафий каби улуг мутафаккирлар бутун мусулмон оламига донг таратган. Уларнинг

аксарияти айнан Самарқанд шаҳрида яшаган, таҳсил олган ва самарали илмий-маърифий фаолият юритган.

Имом Бухорийга юксак эҳтиром Мамлакатимизда Имом Бухорий ҳазратларининг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи туфайли Имом Бухорий ҳазратларининг мунозаралари халқаро ҳамжамиятнинг олий минбаридан илк бор янграганди.

Иккинчидан, жорий йил 15 августда эса давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги орден таъсис этиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Орден икки даражаси — "Олий Даражали Имом Бухорий" ордени ҳамда "Имом Бухорий" орденидан иборат. У билан илм-фан ва маданият, жумладан, ислом маърифати ривожига ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишида катта ўтуқларга эришган фуқаролар мукофотланади.

Учинчидан, шу кунларда Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғидаги Имом Бухорий мажмуаси буюк муҳаддис бобомизнинг мусулмон оламидаги юксак ҳурматиға муносиб тарзда қайта қурилмоқда. Мақбара, улкан масжид, миноралар, айвонлар барпо этилмоқда.

Тўртинчидан, давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик жараёни билан танишар экан, мажмуа ёнида Имом Бухорий ҳаётини кўрсатувчи электр музей ташкил этиш тақлифини билдирди. Шунингдек, "Яқинда Мадина шаҳрида бўлганимизда пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейини кўрдик. Бу ерда ҳам шунга ўхшаш музей ташкил этсак, яхши бўлар эди. Унда Имом Бухорий бобомизнинг ҳаёти, илм йўли, ўша давр тарихи ахборот технологиялари орқали кўрсатилади. Булар ёшлар,

чет эллик сайёҳларнинг ақлоқ тасавурида қолади. Музей халқимизга яна бир маънавий хазина бўлади", деди Президентимиз. Бешинчидан, Юртбошимиз шаҳсан бошида турган ана шу эзгу амалларнинг барчаси, бир томондан, Имом Бухорий ҳазратларининг табарруқ хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, улуг аждодимизга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз кераклигига ўзига хос маърифий даъват ҳамдир. Бинобарин, бизни мусулмон оламида "Бухорийлар" дея эъзозлашларидан ҳар биримиз ўзига фахру ифтихор ҳиссини тушумиз.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври XIV — XVI асрлардаги "Темирйўллар Ренессанси" ҳисобланади. Бунда Амир Темуру бунёд этган улуг салтанат ҳамда шу салтанатнинг азим пойтахти бўлмиш Самарқанднинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Соҳибқирон бобомиз илм-фан ва маданият равнақиға кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шoirларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Бу маънавий-маърифий сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган.

Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Қишлоғидеги Имом Бухорий мажмуаси буюк муҳаддис бобомизнинг мусулмон оламидаги юксак ҳурматиға муносиб тарзда қайта қурилмоқда. Мақбара, улкан масжид, миноралар, айвонлар барпо этилмоқда.

Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдевори ни яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз".

Ақмак САИДОВ, академик.

Хорижий оммавий ахборот воситалари: САМАРҚАНДДАГИ МУҲТАШАМ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ИБТИДОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Янги марказдаги биноларда Буюк Ипак йўли даврига оид тарихий манзаралар ҳам акс эттирилганига эътибор қаратилад экан, "Боқий шаҳар" мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан фойдаланилган ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

"Синхуа" ахборот агентлиги (ХХР) журналисти ёзганидек, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд манадаги эшак эшик канали бўйлаб 212 гектар майдонда ушбу улкан мажмуани қуриш бўйича маҳобатли лойиҳа 2019 йилда бошланган эди.

Замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс-холл кенг қамровли халқаро тадбирларни ўтказиш учун ажойиб шароит яратди.

"Синхуа" муҳбири воқеа жойидан хабар берганидек, марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон раҳбари барчани ушбу қувончли воқеа билан қутлади.

"МДХ радиоси" мухбирлари Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандга ташрифи давомида "Боқий шаҳар" мажмуаси ҳовлисида самарқандлик нурунийлар, зиёлилар билан самимий сўхбат қурганини ўз мушаррайлари эътиборига ҳавола қилишган.

"Самарқанд — миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Шу боис сайёҳлар бу ерга, асосан, қадимий обидаларни кўриш ва табарруқ жойларни зиёрат қилиш учун келар эди. Туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар йўқ эди", дея давлатимиз раҳбари сўзларидан истискоқ келтирилади МДХ интернет порталида.

Айни чоғда марказ "Буюк Ипак йўли" деб номланганда "чуқур маъно борлиги алоҳида таъкидланади. Бундан ташқари, ушбу замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс-холл йирик анжуманлар ўтказиш учун ҳам қўлай шароит яратиши, яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар шу ерда бўлиб ўтиши, келгуси йилда эса бу қадимий шаҳарда Европа тикланиш ва

тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилиши қаламга олинган.

Порталда ушбу янги сайёҳлик масканининг очилиш маросимида намойиш қилинган "Абадий шаҳар достони" мусиқали ҳикояси ўзбек халқи ва дунё санъати билан

мақсадида охири йилларда уни янада кўркам ва обид қилиш, чинакам халқаро туризм марказига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини айтгани ўз ифодасини топган.

"Янгидан қурилиб, бугун очилаётган "Буюк Ипак йўли" маркази шу йўлдаги яна бир улкан қадам бўлиб, дея Президент Шавкат



Уйғунлашган шоу маросимга ўзгача шукӯҳ бағишлагани ҳам алоҳида қайд этилган.

"МДХ радиоси" репортёри, шунингдек, халқаро сайёҳлик маркази қурилишида Германия, Буюк Британия ва Туркия мутахассислари иштирок этгани ҳақида маълум қилади. Қолаверса, йил давомида "Буюк Ипак йўли" маркази 2 миллион нафаргача сайёҳни қабул қилиши мумкин, яқин беш йилда эса уларнинг сонини 9 миллионга етказиш режалаштирилганини тингловчилар эътиборига ҳавола этиди.

Россия ОАВ, хусусан, РИА "Новости", "ТАСС" каби етакчи ахборот агентликлари Самарқандда бунёд этилган халқаро сайёҳлик марказининг очилиш маросимини онлайн тарзда ёритди.

"Regnum" АА томонидан эълон қилинган халқаро туристик марказ имкониятлари ҳақидаги мақолада Ўзбекистон Президентининг "Буюк Амир Темуру бобомиз ўзи барпо этган қудратли салтанат учун айнан Самарқанд шаҳрини пойтахт этиб белгилгани ҳам албатта бежиз эмас", деган сўзларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу мақолада Ўзбекистон етакчиси ўзбеклар заминиде шаклланди кутлуг аъёнларини изчил давом эттирган ҳолда, Самарқанднинг қадимий шухратини тиклаш

Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтирилади "Regnum" мақоласида.

"Фергана" АА муҳбири "Буюк Ипак йўли" маркази худудида қурилган Конгресс-холлда жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтишини маълум қилган. Таъкидланганидек, Конгресс-холлнинг умумий майдони 18 минг квадрат метр, сиймоси 3,5 минг кишигача бўлган ўн учта конференция залини ўз ичига олади.

"Буюк Ипак йўли" мажмуасининг очилиш маросимида сўзга чиққан Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанднинг сайёҳлик салоҳиятига тўхталар экан, ҳукумат олдида яқин беш йил ичида Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга ошириш вазифаси турганини билдирганига эътибор қаратилган. "Туризм соҳасида банд бўлган ўзбекистонликлар сони 500 минг кишидан ошиши кутилмоқда", деб ёзади агентлик муҳбири.


"Спутник" АА томонидан тақдим этилган фото ва видеорепортажда марказ ва унинг очилиш маросими ҳақидаги маълумотлар билан бирга "Абадий шаҳар достони" мусиқий дастури лавҳалари ҳам акс этган.

"Буюк Ипак йўли" халқаро туризм мажмуаси очилиш маросимида оид мақолалар ва ахборот материаллари, шунингдек, "Вестник Кавказа" (Россия), Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи ОАВ, хусусан, "Казинформ" АА, "Forbes.kz" (Қозғистон), "Kabar" АА (Қирғизистон), "ASIA-Plus" АА (Тожикистон) ва бошқа кўплаб ахборот манбаларида эълон қилинди. Уларда Ўзбекистон Президенти Самарқанддаги ушбу мажмуанинг тантанали очилиш маросимидаги нутқида бундай мажмуалар яқин йилларда Бухорода ва мамлакатнинг бошқа худудларида ҳам бунёд этилишини таъкидлагани маълум қилинган.

«Дунё» АА.







# ТАДБИРКОР УЧУН ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

Сўнгги беш йилда айни соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, Фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача икки баравар қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Хусусан, охириги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб уч баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланган. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.



корлар томонидан бизнес учун 55 мингдан ортиқ бинолар қурилди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингга кўпайиб, 26 мингга етди. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, давом этади. Бугун дунёда жуда мураккаб вазият юзга келмоқда. Асосий озиқ-овқат ва энергия захиралари нархи осмонга ўрламоқда. Шундай экан, унинг Ўзбекистонимизга таъсирини камайтириш муҳим вазифалардан. Бунинг учун тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга шароит яратиш бериш мақсадга мувофиқ. Бу борада Президентимиз бешта асосий йўналишни кўрсатиб, уларнинг ҳар бири бўйича кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

## Тоифалар — муваффақият гарови

Биринчи йўналишда корхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувлар белгиланди. Хусусан, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар — микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради. Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро биз-

нес учун айланмадан олинандиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солигини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратади. Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланиб, улар учун қатор солиқ ва компенсация имтиёзлари белгиланди.

Ўтган йилги очик мулоқотда давлатимиз раҳбари бизнес учун солиқ юқини камайтириш сиёсатини давом эттиришга ваъда берган эди. Пандемия келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 2023 йил 1 январдан бошлаб кўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди. Тадбиркорлар учун яна бир енгиллик, жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино ёки фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Президентимиз тадбиркорларнинг шу тарзда илгари ошириб ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан ҳам воз кечилишини айтди.

Иккинчи йўналиш — қулай молиялаштириш тизимига оид. Шу мақсадда кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади. Тадбиркорлик жамағатаси томонидан кафилик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробарга оширилди. Натжидада камда 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит оlishидаги гаров масаласи ҳал бўлади.

Учинчи йўналишда туман ва шаҳарлар шaroитидан келиб чиқиб, бизнес учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш масаласи қўрилди. Келгуси йилдан шарт-шaroити бўйича барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафилик бе-

риш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади. Ерни хусусийлаштириш учун белгиланган сумма, яъни ер солигининг 20 қарраси миқдоридagi тўлов Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 10 қаррага, бошқа ҳудудларда 5 қаррага пасайтирилади.

Тўртинчи йўналиш — тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ҳимояси. Ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш, тергов жараёнида мол-мулкни хатлаб кўйишни фақат суд ҳал этиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг судларга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилади. Жумладан, маъмурий судларга ариза беришда давлат божни ставкаси 2 баробар камайтирилади. Тадбиркорларнинг солиқ идораларини қарори устидан судга шикоят қилиш муддати ҳозирги 1 ойдан 3 йилгача узайтирилади.

Бешинчи йўналишда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалаларига тўхталиб ўтилди. Аввало, тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Келгуси йилдан 26 та идоранинг такрорланувчи назорат функциялари бекор қилинадиган бўлди.

## Бизнес вакили ҳақ-ҳуқуқи давлат ҳимоясида

Мулоқот чоғида давлат раҳбари солиқ текширувларига оид жарималар тури кўпайиши ва оғирлиги бўйича жуда кўп мурожаатлар бўлганига эътибор қаратди. Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланмоқда. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил. Президент барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклигини таъкидлади. Умуман, энди савдо соҳасида иш-

лайдиган тадбиркорларни қарийб 30 йилдан бери қийнаб келадиган муаммо барҳам топади, яъни савдо қондаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади.

Мулоқотда тадбиркорларни маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис қилиш таклифини билдирди. Бу ташаббус ҳам тадбиркорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириши, шубҳасиз.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш зарурати ҳам кўрсатиб ўтилди. Энди унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилади. Хусусан, ҳукуматга қўриб чиқилиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини қўллаб-қувватлаш бўйича ариза тақдим қилиш ваколатлари берилди. Савдо-саноат палатаси ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади ва тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоячисига айланади.

Ташаббуслар қозғоғида ва сўзда қолиб кетмаслиги, очик мулоқотда айтилган таклифларни амалга ошириш учун Президент ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши белгиланди. Бу ташаббусларнинг барчаси дунё иқтисодиётида кузатилаётган инқирозга қарамай, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига ўсиши

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, тадбиркорлар билан учрашувда илгари сурилган барча ташаббуслар соҳа ривожига, тадбиркорларга қатъий ва шижоат бағишлагани, мамлакатимизнинг бизнес муҳити жозибдорлигини оширишга, энг муҳими, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Умуман, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотга киришганлиги, энг аввало, бизнес вакилларида, шу билан бирга, ушбу соҳага қўл уриш истагида бўлган фуқароларимизда ўзига бўлган ишонч янада мустаҳкамлади.

Дилором ҚОСИМОВА,  
ТДИУ Бизнес бошқаруви ва логистика кафедраси профессори,  
иқтисодий фанлари доктори.

## Профессионал таълим:

# ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР

Ўзбекистонда инновацион иқтисодийётни қуришда меҳнат унвондорлигини ошириш ва ишчи кучининг сифати катта аҳамиятга эгаллиги жамият ва бошқаруvingнинг барча бўғинида эътироф этилмоқда. Мазкур йўналишда ютуқлар билан бирга, албатта, камчилик ҳамда муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу маънода, биргина Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Профессионал таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилгани ҳам бежиз эмас.

## Мулоҳаза

Давлатимиз раҳбари аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида камбағалликни 2 баравар қисқартириш бўйича марраларга ҳам одамларга фақат ва фақат замонавий касблар бериш орқали эриша олишимиз мумкинлигини таъкидлади.

Бу йил республика бўйича 555 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келиши, уларни замонавий касбларга ўргатиш, муносиб иш билан таъминлаш масалалари барча даражадаги ҳокимлар, олий таълим муассасалари ректорлари, коллеж ҳамда техникумлар директорларини ҳам ўйлантириши кераклиги ўқтирилди.

Бундан келиб чиқадиги, профессионал таълим тизимида баҳариланган ишларда ўқитишнинг сифати, самарадорлиги, мутахассисларнинг юқори интеллектуал салоҳияти ва уларнинг касбий тайёргарлигини таъминлаш ҳамда меҳнат бозорини муносиб ўрнини топишда замонавий таълим тенденциялари билан уйғунлаштирилган ўқитиш усулларини амалиётга татбиқ этиш муҳим саналади.

Юқорида келтирилган долзарб вазифаларнинг ижроси сифатида мамлакатимизда профессионал таълим тизимининг устувор вазифалари белгиланди.

Хусусан, 9 ва 11-синф битирувчиларининг касб-хунарга қамрови 50 фоизга етказилади, ишсизлар учун қисқа курслар кўпайтирилади. Дуал таълимдаги йўналишлар сони 50 тадан оширилади (амалда 10 та), халқаро таълим дастурлари жорий этилади (Англиянинг "Pearson" ва б.), тадбиркорликка ўқитиш ривожлантирилади ("German Sparkassentiftung" ташкилоти), таълимни рақамлаштириш, электрон ресурслар яратиш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ўқувчилар иштирокида хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайтирилади, иш берувчиларнинг ўқув марказлари, шунингдек, 14 та профессионал тайёргарлик маркази, малакаларни баҳолаш марказлари ташкил этилади. "Skills passport" бериш йўлга қўйилади.

Шу ўринда мазкур вазифаларни тизимда жорий этишга имкон берувчи, қолаверса, ҳозирда амалга оширилаётган саломқои ишларни сарҳисоб қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори вазирик, идоралар ва йирик иш берувчилар таклифлари, ЮНЕСКО томонидан жорий қилинган "Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси" ("ТХСК — 2011") ҳамда "ТХСК: таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари" ("ТХСК-С — 2013") принциплари ҳамда "ХАЛИКК — 2020" асосида такомиллаштирилди.

Янги классификатор таълимнинг халқаро стандарт классификацияси асосида табақалаштирилган 3 та таълим даражасига мувофиқ 714 та касб ва мутахассислик (1 минг 372 та квалификация)ни қамраб олган.

Профессионал таълим муассасаларида улардан 437 таси бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилиб, мазкур касблар ҳамда мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларига мувофиқ 450 та табиий-гуманитар, 627 та умумкасбий, 2 минг 676 та мутахассислик фанлари ҳамда 3 минг 65 та амалиёт дастури яратилди.

Таълим муассасаларида профессионал таълим жараёнини ташкил этишга оид ўқув-меъёрий база тўлиқ яратилиб, "http://edu.profedu.uz" платформаси билан боғланди. Касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитиш материаллари тўпламлари, жумладан, 237 та умумкасбий, 660 та махсус фанлар ва 457 та ўқув амалиёт дастурлари асосида ўқитиш материаллари тўпламлари ишлаб чиқилди.

## Замонавий касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди

Президентимизнинг "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитиш ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 13 та профессионал таълим муассасасида қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари ташкил этилиб, 16 та замонавий касб-

лар бўйича мутахассислар тайёрлаш курслари йўлга қўйилди.

Қисқа вақт мобайнида мазкур курсларда 5 минг 112 нафар малакали мутахассис тайёрланиб, уларга ўрнатилган тартибда тасдиқланган намунадаги QR-коди ва маълумотлар базаси билан интеграция қилинган сертификат берилди.

Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг методик таъминоти мустаҳкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб бориш мақсадида "www.edu.profedu.uz" таълим портали ишлаб чиқилди. Касб ва мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, ўқитиш материаллари тўпламлари таълим порталига жойлаштирилиб, босқичма-босқич бойитиб борилмоқда.

Профессионал таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, "World Skills" стандартларини жорий қилиш бўйича тизимли равишда ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, "Zoom" ва "YouTube" дастурлари орқали профессионал таълим муассасаларининг 6 мингдан ортиқ педагог кадрларига "World Skills" стандартлари бўйича онлайн шаклда 16 та маҳорат дарси ўтказилди ҳамда маълумотлар базаси шакллантирилди.

## Рақамли технологияларни жорий қилиш ҳолати қандай?

Профессионал таълим дастурлари "World Skills" халқаро стандартлари ҳамда профессионал стандартлар асосида такомиллаштирилмоқда. Саққизта касбнинг дуал таълим ўқув режаси ҳамда тўққизта касбнинг таълим дастурларига "World Skills" стандартлари сингдирилди.

Қолаверса, профессионал таълим тизимида рақамли технологияларни жорий қилиш жадал амалга оширилмоқда.

Хусусан, дипломларга индивидуал QR-код қўйиш тизими йўлга қўйилди. Профессионал таълим тизимини ривожлантиришда тизимда фаолият юритадиган педагог кадрларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, илмий-амалий биланларини чуқурлаштириш муаммоси бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Профессионал таълим жараёнида инновацион таълим технологиялари ва фаол усуллардан фойдаланиш, инновацион ёндашувларни қўллаш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, талабаларни кўпроқ мустақил ишлашга ундаш, илгор тажрибалардан сабоқ беришининг турли йўлларида кенг фойдаланиш таълим сифатини оширишда самарали восита саналади.



## Хорижий тажриба ва ўзаро ҳамкорлик

Янги профессионал таълимни жорий этишда хорижий тажрибаларни ўрганиш ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"KfW банкнинг молиявий қўмағи иштирокида профессионал таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш" лойиҳаси, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 2021 — 2033 йиллар давомида "Ўзбекистонда профессионал таълим ислохотларини қўллаб-қувватлаш" грант лойиҳаси, ЮНЕСКО ваколатхонаси томонидан амалга оширилаётган "Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ишга жойлаштириш кўникмаларини ривожлантириш" лойиҳаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг "Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизимини ислохот қилиш ва модернизациялаш жараёнини қўллаб-қувватлаш" ҳамда "Марказий Осиёда касб-хунар таълими — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тизимли ёндашувларга қўмаклашиш" лойиҳалари шулар жумласидандир.

Айни пайтда мазкур лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Германия тажрибаси асосида 62 та профессионал таълим муассасасида 8 та мутахассислик бўйича дуал таълим жорий қилинди.

Умуман, профессионал таълимнинг долзарб муаммолари бўйича институт тадқиқотчилари томонидан таълимда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда кадрлар тайёрлашни самарали йўлга қўйиш борасида элликка яқин электрон дастурлар, ўттизга яқин электрон таълим ресурслари, мобил иловалар ҳамда ўнга яқин таълим платформалари ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига жорий этилди.

Ишончимиз комилки, таълим сифатини ошириш бўйича юқорида қайд этилган натижалар ўз ўрнида профессионал таълим тизими олдига турган устувор вазифаларни амалга оширишда эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

"Эксимбанк" (Жанубий Корея) томонидан ривожланаётган давлатлар учун ажратиладиган техник қўмак маблағлари ҳисобидан профессионал таълим тизимида "Таълимни бошқаришда ахборот тизимини яратиш (EMIS — Education Management Information System)" амалга оширилмоқда. Жанубий Корея тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимини рақамлаштириш, битирувчилар бандлиги ва уларга бўлган талабни ўрганиш, мавжуд бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш, ягона платформа орқали статистик ва бошқа маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда.

## «World Skills» стандартлари таълим дастурларига сингдирилди

Жорий йилда хорижий давлатлар билан профессиоанл таълим соҳасида ҳамкорликни янада кўчатириш борасида қатор устувор вазифалар амалга оширилди.

Хусусан, профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун 170 номда янги ўқув адабиётлар (9,9 млрд. сўм) тайёрланади. Шу билан бирга, Германия билан ҳамкорликда (GIZ) қишлоқ ҳужалиги соҳаси учун "Фермер" номли китоб 2000 нусxada чоп этилади. "World Skills" стандартлари 39 та касбнинг таълим дастурларига сингдирилди ҳамда ўқув жараёнига жорий этилади.

Профессионал таълимни илмий салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам ҳозирда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида тегишли Илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, касб-хунар таълими назарияси ва методикаси иқтисодиёт бўйича сўнгги йилларда 86 нафар тадқиқотчи илмий ишларини ҳимоя қилиб, PhD ва DSc илмий даражасини олишга эришди. Эътиборлики, бугунги кунда профессионал таълим тизимининг 100 га яқин долзарб мавзулари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори,  
иқтисодий фанлари доктори, профессор.



